



Катагон курбонларини ёд этиш куни. Шу муносабат билан Шахидлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар йигилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Аждодлар хакига Куръон тиловат килинди. Элга ош тортилди. Бу маросим Мустакиллик байрами билан ҳамоханг ўтиши, миллат ойдинлари ёдга олинишидан кўнгил энтикади. Бу Ватанга фидойилик йиллар ўтса-да кадрланиши, ҳеч бир эзгу иш изсиз кетмаслигини аңлатади. Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Куръон тиловат килинди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшларни шу руҳда тарбиялаш ҳақида мулоқот бўлди.

– Мустакиллик байрами арафасида, бугунги тинчлик, эркинлик шароитида қахрамон боболаримизнинг пок номларини эслаш, табаррук хотираларига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Шу боис дунёдан ўтган ватандошларимизнинг ҳам кадрини тикляймиз. “Инсон – азиз, хотира – муқаддас” деган эзгу шиор ҳаётимиздан мустаҳкам жой олаяпти. Табаррук ёдгорлик мажмуалари бунёд этаямиз. Маърифатпарвар боболаримиз ҳақида бадиий ва илмий асарлар, кинофильмлар яратилмоқда. “Хотира” китоблари тайёрланмоқда. Халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Мана, сўнгги уч йил ичида 1 минг 200 дан зиёд сиёсий катагон курбонларининг номини оқладик. Бу нимани аңлатади? Бу – адолат синмаслигини, ҳақиқат барибир тантана қилишини аңлатади. Ўтган йилги маросимда давлатимиз раҳбари жойлардаги катагон курбонларини

аниклаш, бу борада тадқиқотларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосида жорий йил 19 июль куни “Сиёсий катагон курбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилиб, Мудоффа вазирлиги бошчилигида бир қатор мутасадди ташкилотлар бириктирилди. Давлатимиз раҳбари ушбу қарорнинг моҳияти ва мақсади ҳақида гапирди:

– Шу пайтгача катагон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаган эди. Холбуки, бу рўйхатдаги ҳар бир рақам ортида инсон тақдири бор. Шаҳид кетган, катагон қилинган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти – қаҳрамонлик. Шу боис биз қарорда катагон қурбонларини номма-ном аниклаш, уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида уларнинг табарруқ номларини кўп жилдлик “Катагон қурбонлари” китобига ҳамда мана шу мажмуада барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига ёзиб қўямиз. Афсуски, чет давлатларда, ҳатто ўзимиздаги архивларда бу масалага оид барча маълумотларни ҳам тўлиқ ўрганганимиз йўқ. Шу сабабли, бу борада илмий экспедициялар ташкил этиш белгиланди. Энди ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий катагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаймиз.

Нима учун бу вақт танланди? Чунки 1938 йил 4-16 октябрь кунлари 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий маҳбус устидан ҳукм ўқилган. Энг етакчи шахслар қатл этилган. Улар орасида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Худойберган Девонов каби етук зиёлиларимиз, Германияда ўқиб келган илгор мутахассислар, таникли давлат ва жамоат арбоблари бўлган. Энг дахшатли томони – улар 4 октябрда қатл этилган, ҳукм 5 октябрда чиқарилган.

- Бу сана халқимиз тарихидаги энг қайғули кунлардан биридир. Шунинг учун бу ҳафталикни катта тайёргарлик билан, бирдамликда ўтказишимиз керак, – дея таъкидлади Президент.

Қарорга кўра, мазкур ҳафталик давомида аҳоли ўртасида учрашувлар, турли кўргазма ва танловлар, шу мавзудаги кино намоёишлари ўтказилади. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа масъул шахслар катагон қурбонлари яшаб ўтган хонадонларга кириб, уларнинг авлодларидан хабар олади. Фидойи аждодларимиз тугилиб ўсган, яшаган хонадонларга эсдалик лавҳалари ўрнатилади. Улар яшаган маҳаллалар ва мактабларда Хотира бурчаклари ташкил этилади.

Шу тариқа одамлар катагонга учраган маҳалладошлари ҳақидаги маълумотлар билан танишади. Мустақиллик қандай оғир йўқотишлар эвазига қўлга қиритилган буюк неъмат эканини англаб етади. Халқимиз қандай машъум кунларни бошдан кечирганини тушунади. Фидойи аждодларимиз энг оғир пайтларда ҳам виждонини, миллий ўзлигини сақлаб қолганини юракдан ҳис қилади.

Мулоқотда Бош вазирга ушбу ишларни ташкил этиш ва ижросини назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, сўнгги йилларда Тошкентдаги “Катагон қурбонлари хотираси” музейи реконструкция қилиниши билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам шундай музейларни ташкил этилди. Айниқса, Андижон, Бухоро, Қарши, Фарғона вилоятларидаги музейлар эътиборга молик.

Президент бундай хайрли ишларни давом эттириш, жаҳидлар ҳаётига оид ноёб ҳужжат

ва экспонатлар билан жамоатчиликни кенгрок таништириш кераклигини таъкидлади. – Тўғри, кейинги вақтларда бу борадаги ишларимиз янги боскичга кўтарилди. Кўп номаълум номлар аниқланди. Китоблар, кинолар чиқарилди. Лекин буям кам. Бу борада ҳам маҳаллабай изланиш олиб бориш, бунга барча зиёлилар, нурунийлар, ҳуқуқ химоячилари хисса қўшиши мақсадга мувофиқ. Бу қадриятга, умуммиллий ҳаракатга айланиши керак, – деди давлат раҳбари.

Тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш, архив маълумотларини очиклаш, тарихни ёшларга тўғри етказиш муҳимлиги қайд этилди.

– Биз нима учун Имом Бухорий музейини ташкил қилаямиз? Нима учун тарихий кинолар ишлатаймиз? Чунки энг катта мактаб, энг катта тарбия – тарихнинг ўзи. Ёшларимиз тарихимизни яхши билиши, бошқалардан эмас, ўзимизнинг боболаримиздан намуна олиши керак. Бунинг асосини мукамал қилиб, ёшларга муносиб тилда, қизиқарли тарзда, ижтимоий тармоқлар орқали етказиш, жамиятга сингдириш зарур. Ёш авлодни шу руҳда тарбияласак, ўз танлаган йўлимиздан қатъий бора оламиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Дунёда хавф-хатарлар қучайиб, миллий ўзлик, эзгулик, қадрият қаби тушунчалар заволга юз тутаётгани ёдга олинар экан, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадри яққол намоён бўлади.

– Мустақиллик – Аллох таолонинг эл-юртимизга энг катта марҳамати, неъмат. Хар бир кун, хар бир йилнинг қадрига етиб, шукроналик хисси билан яшаш керак.

Аждодларимизни эъзозлаш, халқни рози қилиш бўйича савоб ишларни қўп қилсак, Худо доимо йўлимизни очиқ беради, – деди Президент.

Ватан манфаати йўлида фидо бўлганларнинг охиратлари обод бўлсин, тинч-осойишта юртимизни Парвардигор ўз паноҳида асрасин, дея дуолар қилинди